



*Собиров.Ф.Б. Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси криминалистик экспертизалар
кафедраси ўқитувчиси.*

ТИНЧЛИК ВА ИНСОНИЯТНИНГ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА ХАТШУНОСЛИК ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ТАЙИНЛАШ ВА ЎТКАЗИШ.

Аннотация. Мазкур мақолада хатшунослик экспертизасини ўтказиш учун эркин, шартли-эркин, экспериментал намуналарнинг тушунчалари тахлили, шунингдек, юқорида номлари кўрсатилган намуналарни тадқиқот жараёнига тақдим қилишдаги юзага келаётган муаммоларни бартараф қилиш бўйича таклифлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: эркин намуна, шартли - эркин намуна, экспериментал намуна, хатшунос-эксперт, тадқиқот, илмий хулоса, хатшунослик, кўникма, эксперт.

НАЗНАЧЕНИЕ И ПРОВЕДЕНИЕ ПОЧЕРКОВЕДСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ ПРИ РАССЛЕДОВАНИИ ПРЕСТУПЛЕНИЯ ПРОТИВ МИРА И БЕЗОПАСНОСТИ.

Аннотация. В данной статье анализируется понятия свободных, условно-свободных и экспериментальных образцов для производства почерковедческой экспертизы, а так же, даны рекомендации по устранению проблем возникающих в предоставлении вышеперечисленных образцов для сравнительного исследования.

Ключевые слова: свободный образец, условно – свободный образец, экспериментальный образец, эксперт - почерковед, исследование, научное заключение, почерковедение, навыки, эксперт.

APPOINTMENT AND PRODUCTION OF EXPERTISE IN THE INVESTIGATION OF A CRIME AGAINST PEACE AND SECURITY.

Annotation. This article analyzes the concept of free, conditionally free and experimental samples for the production of handwriting expertise, as well as recommendations for eliminating problems arising in the provision of the above samples for comparative research.



Keywords: free sample, conditionally free sample, experimental sample, handwriting expert, research, scientific conclusion, handwriting, skills, expert.

Бугунги кунда тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши, айби бўлмаган ҳеч бир шахснинг жазога тортилмаслиги ҳамда адолатни суд ва тергов органларида таъминлаш фаолиятини суд экспертизасиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Бугунги кунда барча соҳада бўлгани каби, тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятларни содир этиш фаолиятида ҳам ривожланиш бўлмоқда. Ушбу ҳолатни эса жиноятларни содир этиш усулида яъни жиноятчи шахс томонидан маълум бир жиноят содир этиш вақтида гувоҳларнинг бўлмаслигига ҳаракат қилиши билан кўришимиз мумкин. Бундай вазиятларда эксперт томонидан берилган ҳулоса маълум бир иш доирасида асосий ва ишончли далил бўлиб хизмат қилади. Тўғри жиноят-процессуал қонунчилигида эксперт ҳулосаси бошқа турдаги далилларга нисбатан ҳеч қандай устунликка эга эмаслиги, қолаверса экспертиза тайинлаган орган томонидан ушбу ҳулосаларни баҳолаш, керак бўлса инобатга олмаслик ҳуқуқи назарда тутилган бўлсада, амалиётда эксперт ҳулосасининг аҳамияти жуда катталиги, айнан эксперт ҳулосасининг ишни мазмунан ҳал қилишдаги аҳамиятини рад қилишнинг имконияти йўқ.

Тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятларни тергов қилиш жараёнида хатшунослик экспертизасини тайинлаш асослари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қодексининг 180-моддасига асосан амалга оширилади. Ушбу моддага асосан “экспертиза тайинлаш тўғрисида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Унда: экспертиза тайинлаш учун асос бўлган сабаблар; экспертизага юборилаётган ашёвий далиллар ва бошқа объектлар, уларнинг қачон, қаерда ва қайси ҳолатда топилганлиги ва олинганлиги; иш материаллари бўйича экспертиза ўтказишда эса эксперт ҳулосаси асосланиши лозим бўлган маълумотлар; эксперт олдида қўйилган саволлар; экспертиза муассасасининг номи ёки экспертиза ўтказиш топширилган шахснинг фамилияси кўрсатилиши лозим.”[1]

Хатшунослик экспертизасини тайинлашда қуйидаги асосий қоидаларга амал қилиш лозим бўлади:

- Текширилиши лозим бўлган хужжатлар хатшунослик экспертизаси объектлари хисобланиши;
- Эксперт олдига қўйилган саволлар хатшунос-эксперт ваколатлари доирасида бўлиши;
- Эксперт олдига қўйилган саволлар имкон қадар ихчам аниқ ва равшан тушунарли бўлиши;
- Тадқиқот жараёнига тақдим қилинган намуналарнинг ишончли эканлиги;
- Тадқиқот жараёнига тақдим қилинган намуналарнинг етарли бўлиши;
- Тадқиқот жараёнига тақдим қилинган намуналарни олишда процессуал қонунчилик қоидаларига амал қилиниши ва қонунчиликда кўрсатиб ўтилган бошқа қоидаларга мос бўлиши.

Юқорида кўрсатиб ўтилган барча қоидаларни қуйида кенгайтирилган тартибда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Текширилиши лозим бўлган хужжатлар хатшунослик экспертизаси объектлари хисобланиши. Ушбу қоида хатшунослик экспертизасини тайинлаш жараёнининг дастлабки ва асосий шартларидан бири бўлиб, текширилиши лозим бўлган хужжатлар ушбу қоидага мос келган тақдирдагина амалга оширилади. Маълумот учун хатшунослик экспертизаси объекти бу - қўлёзма усулда бажарилган ёзув, рақам, имзолардир.

Эксперт олдига қўйилган саволлар хатшунос-эксперт ваколатлари доирасида бўлиши: Экспертиза тайинлаш жараёнида ушбу қоидага амал қилинмаслиги келгусида тадқиқот ўтказилмаслигига сабаб бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 185-моддасига асосан “Агар эксперт қўйилган саволларни унинг махсус билимлари асосида ҳал қилиш мумкин бўлмаслигига ёки унга тақдим этилган текшириш объектларининг ёхуд материалларнинг яроқсизлигига ёки хулоса бериш учун етарли эмаслигига ва уларни тўлдириб бўлмаслигига ёхуд фан ва суд-экспертлик амалиётининг ҳолати қўйилган



саволларга жавоб топиш имкониятини бермаслигига ишонч ҳосил қилса, у хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисида асослантирилган ҳужжат тузади ҳамда уни экспертизани тайинлаган органга (шахсга) юборади.” Қуйида ушбу ҳолатни аниқроқ ўрганиш мақсадида қуйида бир мисолни келтириб ўтсак мақсадга мувофиқ.

Экспертиза тайинлаган орган томонидан бирор бир ҳужжатдаги имзо ва муҳр текширилиши лозимлиги кўрсатилгани ҳолда “Хатшунослик экспертиза” си тайинланган ҳамда эксперт олдига хал қилиш учун қуйидаги савол қўйилган: *“Тадқиқот давомида текширилиши лозим бўлган “А” (шартли номи) ҳужжатдаги муҳр ва имзо фуқаро “Б” (шартли исми) томонидан бажаилганми ёхуд бошқа шахс томониданми?”*

Юқоридаги ҳолат амалиётда жуда кўплаб учраб тургани ҳолда бу минг афсуски экспертиза тайинлаган орган вакилларининг экспертиза тайинлаш бўйича билим ва малакасининг етишмаслиги билан боғлиқ ҳолат бўлса ажабмас. Бундай фикрга келишимга сабаб эса қуйидагилар:

-Биринчидан: Муҳр бу Хатшунослик экспертизаси объекти ҳисобланмайди.

-Иккинчидан: Бу иккала объект учун биттагина Хатшунослик экспертизаси тайинланмайди.

-Учинчидан: Агарда бу иккаласи учун биттагина экспертиза тайинлаш лозим бўлиб қолса, бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси ЖПКда тартибга солинган. *Комплекс экспертиза иш учун аҳамиятга молик ҳолатларни турли илм соҳаларидан фойдаланган ҳолда бир неча эксперт текширувини ўтказиш йўли билангина аниқлаш мумкин бўлган ҳолларда тайинланади.* (Ўз.Рес.ЖПК 178-м)

-Тўртинчидан: Муҳрнинг ким томонидан бажарилганлигини (босилганлигини) ҳеч қанақасига аниқлаб бўлмайди. Зеро муҳр ким томонидан қоғозга туширилишидан қатъий назар бу шакл ўзгармайди.

Юқоридаги каби ҳолатлар эксперт хатшуноснинг хулоса беришнинг иложиси йўқлиги тўғрисида далолатнома тузилишига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса ўз навбатида процессуал муддат чўзилишига ҳамда маълум бир ҳолат юзасидан илмий асосланган хулоса бериш имкониятини йўқотади.



Шу ўринда эксперт хулосаси - иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича билими бўлган шахс ўтказадиган махсус текшириш орқали олиш мумкин бўлган ва келгусида ишотлаш кучига эга бўлган юридик ҳужжатдир[2].

Тадқиқот жараёнига тақдим қилинган намуналарнинг ишончли бўлиши:

Намуналарнинг ишончли эканлигига бевосита экспертиза тайинлаган орган мансабдор шахси маъсул ҳисобланади. Хатшунослик экспертизасида мавжуд намуна турларини рус криминалист олимлари Л.А.Винберг ва М.В. Шванковалар ўзларининг “Почерковедческая экспертиза” номли китобида эркин, шартли-эркин, экспериментал каби учта аълоҳида бир турга ажратиб ўтишган ҳамда қуйидагича ҳар битта намунага таърифлар келтириб ўтишган:

Эркин намуналар — гумон қилинаётган ижрочи (муаллиф) томонидан жиноят иши қўзғатилгунга қадар ва у билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бажарилган қўлёмалар. Бундай намуналарга қуйидагилар қиради: иш учун аризалар, тушунтиришлар, шахсий ходимларни рўйхатга олиш варағидаги ёзувлар, шахсий ёзишмалар ва бошқалар. Ушбу ҳужжатларни бажаришда шахс келгусида ушбу қўлёмма ёзув ёхуд имзолари намуна сифатида ишлатиш мумкинлигини тахмин ҳам қила олмаслиги лозим бўлган намуналар.

Шартли эркин — жиноят иши қўзғатилгандан кейин бироқ, айнан экспертлик тадқиқотлари учун бўлмаган намуналардир. Бундай намуналарга қуйидагилар қиради: жиноят иши доирасида ёзилган ариза, тушунтириш хати ва бошқалар.

Экспериментал намуна - махсус эксперт текшируви учун олинган намуналар. [3, с.84]

Шунингдек Ш. Комилов, Р. Махмудов, Ш. Хасановларнинг “Хатшунослик экспертизаси” маърузалар курсида юқорида номлари келтириб ўтилган намуна турларига қуйидагича таърифлар келтирилган.

Эркин намуналар - ўз қўли билан бажарилган, шу иш билан боғлиқ бўлмаган қўлёмалар ҳисобланади.



Шартли эркин намуналар иш қўзғатилганидан сўнг бажариладиган, лекин экспертиза ўтказиш учун махсус ёзилмаган қўлёзма ва имзолардир.

Тажрибавий намуналарни олиш гумон қилинаётган шахснинг эркин намуналарида учрайдиган алохида сўзлар ва жумлаларнинг ёзилишини текшириш билан боғлиқ.[4,с. 38]

Юқорида намуналарга берилган таърифларни ўрганар эканмиз, ушбу таърифларда намуналарни турларга ажратишда асосий факторлардан бири сифатида жиноят иши қўзғатилган давр олинган. Масалан эркин намуналарга тариф беришда жиноят иши қўзғатилгунга қадар бўлган давр оралиғидаги шахс томонидан бажарилган қўлёзма учулдаги намуналарни киритиш тавсия этилган. Айнан бундай таърифга келишга сабаб эса шахс томонидан ушбу турдаги намуналарни бажариш давомида ушбу қўлёзмалар келгусида намуна сифатида ишлатилиши тўғрисида умуман фикрнинг бўлмаслиги қилиб кўрсатилган. Хақиқатан ҳам бу фактор асосийси лекин бу факторга эришиш учун намуналарга жиноят ишига қадар деб талаб орқали чегара қўйиш тўғри эмас. Зеро экспертиза тайинлаш жараёни шундай процессуал харакатки, зарур ҳолларда экспертиза жиноят иши қўзғатилишидан олдин ҳам тайинланиши мумкин деб кўрсатилган. Шу сабабдан ҳам ушбу тарифлар бугунги кун талабига бир қадар жавоб бермайди ва янгича ёндашувга эҳтиёж сезмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда қуйида ушбу учта намуналарнинг ҳар бирига алохида муаллифлик тарифларимни келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдим.

Эркин намуна – тахмин қилинаётган ижрочини терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёхуд суд томонидан юритувда бўлган иш(маъмурий, жиноий ёки бошқа) доирасида жалб этилгунга қадар бўлган ва бевосита кўриляётган иш(маъмурий, жиноий ёки бошқа)га алоқаси бўлмаган қўлёзма усулда бажарилган ёзув(рақам) ҳамда имзоси.

Шартли эркин намуналар – тахмин қилинаётган ижрочининг терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёхуд суд томонидан юритувда бўлган иш(маъмурий, жиноий ёки бошқа)га алоқадор,

биноқ айнан экспертиза тадқиқотлари учун махсус олинмаган қўлёзма ёзув(рақам) хамда имзоси.

Экспериментал намуналар – келгусида намуна сифатида фойдаланилиши қўлёзма ёзув ижрочисига маълум бўлган хамда текшириляётган объектларнинг бажарилиши холатига имкон қадар яқин тарзда бажарилган қўлёзма ёзув(рақам) хамда имзолардир.

Хатшунослик экспертизаси тадқиқоти жараёнига тақдим қилинадиган намуналарга қуйидаги талаблар қўйилади:

- Намуналарнинг ишонлилиги;
- Текширилиши лозим бўлган ёзув билан таркиб жихатдан бир бўлиши(яъни харфли, рақамли ёхуд аралаш);
- Ёзилиш тилига(ўзбек, қорақолпоқ, рус ёхуд бошқа);
- Ёзилиш вақти(имкон қадар яқин вақтларда, хусусан эркин намуна сифатида яқин икки йил оралиғини танлаш тавсия этилади);
- Ёзув жараёнида ишлатилган ёзув қуролларининг бир хилда бўлиши(ручка, фломастер ва бошқа);
- Экспериментал намуналарни олишда текширилиши лозим бўлган қўлёзма ёзувга имкон қадар барча шароитларни ўхшатишга;

Тадқиқот жараёнига тақдим қилиниши лозим бўлган намуналар хажмига оид минимал талаблар:

1-хoлат: Агар текширилиши лозим бўлган қўлёзма ёзув А4 форматнинг ярмидан кўп жойга бажарилган бўлса:

- эркин намуналар 3 варақ;
- экспериментал намуналар 3 варақ;

2-хoлат: Агар текширилиши лозим бўлган қўлёзма ёзувлар хажм жихатдан кам бўлса:

- эркин намуналар 5 варақ;



- экспериментал намуналар б варақ (бунда асосий эътибор текширилиши лозим бўлган қўлёзма ёзув матнига имкон қадар яқин тарзда бажаришга қаратиш лозим).[5]

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки “Тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар”ни тергов қилиш қилиш жараёни ғоят мураккаб бўлиб, бунда ҳар бир ўтаётган вақт жуда катта аҳамиятга эга экспертиза тайинлаш ва ўтказиш жараёнида муддатларни ортиқча чўзилишини олишда юқорида кўрсатиб ўтилган тавсияларга амал қилиш лозим бўлади.

АДАБИЁТЛАР:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси.
- 2) Почерковедение и почерковедческая экспертиза курс лекции Волгоград 2002 г.
- 3) Л.А.Винберг ва М.В. Шванкова “Почерковедческая экспертиза” Волгоград 1977 йил.
- 4) Ш. Комилов, Р. Махмудов, Ш. Хасанов “Хатшунослик экспертизаси” – Тошкент 2003 йил.
- 5) Носко Е.Н., Величкевичем А.Ф., Поскребка А.Л., Бойко Е.Л., Бобровым А.А. “Общие рекомендации к составлению почерковедческих заключений” – Минск 2001 йил